



POLICY OF ENHANCING WOMEN'S ECONOMIC ACTIVITY IN UZBEKISTAN: ANALYSIS OF LEGAL AND INSTITUTIONAL FRAMEWORKS

Dilafroz Majidova

Researcher at Karshi State University

E-mail: d.majidova@gmail.com

Karshi, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: gender equality, women's policy, entrepreneurship, legal framework, economic activity.

Received: 24.11.25

Accepted: 25.11.25

Published: 26.11.25

Abstract: The article analyzes the legal and institutional foundations of state policy aimed at promoting gender equality and enhancing women's economic activity in Uzbekistan. It examines the role of women's professional training, participation in entrepreneurship, access to credit resources, and the effectiveness of state programs since the 1990s. Presidential decrees and regional programs are evaluated as key instruments in strengthening women's participation in the labor market and improving their social status.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ СИЁСАТИ: ҲУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАР ТАҲЛИЛИ

Дилафрўз Мажидова

Қарши Давлат Университети тадқиқотчиси

d.majidova@gmail.com

Қарши, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: гендер тенглиги, хотин-қизлар сиёсати, тадбиркорлик, ҳуқуқий асослар, иқтисодий фаоллик.

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда гендер тенглиги ва хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш йўналишида амалга оширилган давлат сиёсатининг ҳуқуқий ва институционал асослари таҳлил қилинган. Хусусан, 1990-йиллардан бошлаб хотин-қизларнинг касбий тайёргарлиги, тадбиркорликдаги иштироки, кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари ва давлат дастурларининг самарадорлиги ёритилган.

Президент фармонлари ва ҳудудий дастурлар асосида яратилган шарт-шароитлар аёлларнинг меҳнат бозоридаги иштироки ва ижтимоий мавқеини юксалтиришда муҳим омил сифатида баҳоланган.

ПОЛИТИКА ПОВЫШЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ ЖЕНЩИН В УЗБЕКИСТАНЕ: АНАЛИЗ ПРАВОВЫХ И ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫХ ОСНОВ

Дилафруз Мажидова

Исследователь Каршинского государственного университета

E-mail: d.majidova@gmail.com

Карши, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова:	Аннотация:	В статье
гендерное равенство, политика в отношении женщин, предпринимательство, правовые основы, экономическая активность.	проанализированы институциональные основы государственной политики по обеспечению гендерного равенства и повышению экономической активности женщин в Узбекистане. Рассмотрены вопросы профессиональной подготовки женщин, их участие в предпринимательстве, доступ к кредитным ресурсам и эффективность государственных программ с 1990-х годов. Указаны президентские указы и региональные программы как важные факторы, способствующие росту занятости женщин и укреплению их социального статуса.	

Кириш. Ҳозирги глобал тараққиёт шароитида гендер тенглиги муаммоси жамият барқарор ривожланишининг муҳим омилларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, уларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш масаласи Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу йўналишда қабул қилинган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат дастурлари ва иқтисодий ташаббуслар хотин-қизларнинг меҳнат бозоридаги иштироки ҳамда тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантиришга хизмат қилган.

Методология. Тадқиқотда тизимли таҳлил ва тарихий-қийсий усуллардан фойдаланилди. Биринчидан, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш сиёсатида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар, Президент фармонлари ва давлат дастурлари таҳлил қилинди. Иккинчидан, меҳнат бозоридаги рақамли маълумотлар асосида хотин-қизларнинг

иқтисодий фаоллиги динамикаси кўриб чиқилди. Учинчидан, илмий ва оммавий манбаларда ёритилган ижтимоий-иқтисодий натижалар қиёсий жиҳатдан ўрганилди.

Адабиётлар таҳлили. Адабиётлар таҳлилидан кўринишича, Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласи илмий ва оммавий матбуотда кенг ёритилган. Масалан, “Хуррият” газетасида эълон қилинган мақолада хотин-қизлар тадбиркорлигида давлат қўмаги муҳим омил сифатида баҳоланган [1]. М. Мақсудова ўз мақоласида хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва уларга бўлган ижтимоий муносабатнинг эволюциясига эътибор қаратган [2]. Шунингдек, О. Абдуллаеванинг изланишларида маҳалла институтининг хотин-қизларни қўллаб-қувватлашдаги вазифалари ёритилган [3; 6]. А. Иванова эса хотин-қизлар ташкилотлари фаолияти, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий жараёнлардаги иштирокига доир муҳим жиҳатларни таҳлил этган [4; 5]. Н. Собировнинг мақоласида эса хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор вазифалари қаторида баҳоланган.

Таҳлил ва натижалар. Ҳозирги даврда гендер тенглиги муаммоси жамият тараққиёти ва барқарор ижтимоий ривожланиш учун устувор аҳамият касб этмоқда. Айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнларида аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш ҳамда уларнинг фаоллигини ошириш масаласи тобора долзарб бўлиб бормоқда. Шу йўналишда 1991 йилда ташкил этилган ва 1994 йилдан ҳуқуқий мақомга эга бўлган Қўқон шаҳар “Тадбиркор аёл” уюшмаси муҳим ташаббусларни амалга оширди. Мазкур уюшма тадбиркорлар, врачлар, ўқитувчилар, маданият ва санъат ходимлари ҳамда ҳуқуқшунослар каби турли касб эгалари фаолиятини бирлаштириб, аёллар ва ёшларда тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантириш, ҳуқуқий ва ахборот ёрдами тақдим этиш, шунингдек, нодавлат ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш йўналишларида самарали ишлар олиб борди [1].

Бундан ташқари, меҳнат органлари ҳар йили аёлларни янги касбларга ўқитиш ва мавжуд малакасини оширишга қаратилган мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириб келди. Масалан, 1990-йиллар даврида аёл-талабаларнинг умумий талабалар сонидagi улуши тахминан 39 фоизни ташкил этган бўлиб, бундай кўрсаткич уларнинг кейинчалик иш билан таъминланишига хизмат қилди. Хусусан, 1994–2000 йиллар оралиғида 60 мингдан ортиқ аёл касбий тайёргарликдан ўтди, 1994 йилга келиб эса аёл-талабаларнинг умумий улуши 40,2 фоизга етди ва уларнинг 92 фоизи меҳнат бозорида ўз ўрнига эга бўлди [2].

Ўзбекистонда гендер тенглиги ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Президент

ташаббуси билан 1999 йилнинг “Аёллар йили”, 2001 йилнинг эса “Оналар ва болалар йили” деб эълон қилиниши хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ва мамлакатда кечаётган янгиланиш жараёнларидаги иштирокига кучли туртки берди [3].

2004 йил 25 майда Президент Ислон Каримов томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш сиёсатида муҳим ҳуқуқий ва институционал асос сифатида хизмат қилди. Мазкур ҳужжат хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий муаммоларини самарали ҳал этишга қаратилган чора-тадбирларни мувофиқлаштириш ва ривожлантиришда муҳим қадам бўлди [4].

Шу билан бирга, 2005 йил 14 июнда қабул қилинган “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимояси тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон ҳамда 2005 йил 5 майдаги “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”ги фармонлар хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини оширишда қўшимча ҳуқуқий ва молиявий имкониятларни яратиб берди. Мазкур ҳужжатлар тадбиркорликни бошлаш истагида бўлган фуқаролар, жумладан хотин-қизлар учун қулай шарт-шароитларни таъминлаб, уларнинг иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга хизмат қилди. Бу жараёнда хотин-қизлар томонидан ташкил этилган корхоналар сони ортиб боргани, шунингдек, уй шароитида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш имкониятлари кенгайгани қайд этилади [5].

Ушбу сиёсатнинг амалий самараси сифатида туман меҳнат бўлимлари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамкорлигида 2007 йил давомида Савдо-саноат палатаси ва тижорат банклари орқали 29 нафар хотин-қизга жами 69 млн 930 минг сўмлик кредит ажратилиб, уларнинг тадбиркорлик фаолияти қўллаб-қувватланди. Шунингдек, ўша йилда икки марта ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркалари орқали 3552 нафар фуқаро, жумладан 2010 нафар аёл доимий иш билан таъминланди [3].

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Хусусан, 2009–2010 йилларга мўлжалланган ҳудудий дастурларда аёлларни иш билан таъминлаш вазифаси алоҳида кўрсатилиб, уни амалга ошириш асосан янги иш ўринларини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш ҳамда уй меҳнати имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали таъминланиши назарда тутилди [6]. 2017 йилда 15–24 ёшдаги аёллар орасида иш билан

камров коэффициенти тахминан 31,25 фоизга тенг бўлгани қайд этилган [7]. Шу билан бирга, 2024 йил ҳолатига кўра Ўзбекистонда 2,1 миллион хотин-қиз тадбиркорлари фаолият юритган бўлиб, бу 2020 йил кўрсаткичига нисбатан етти баробар кўплигини англатади [8]. 2025 йил бошига келиб эса кичик корхоналар ва микро фирмалар қаторида 43 860 та корхона аёллар раҳбарлигида ташкил этилгани аниқланган [9].

Хулоса. Ўзбекистонда хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини оширишга қаратилган сиёсат босқичма-босқич такомиллашиб борди. 1990-йиллардан бошланган ҳукукий ва институционал ислохотлар аёлларнинг касбий тайёргарлиги, тадбиркорликдаги иштироки ва иш билан таъминланиши учун янги имкониятлар яратди. Президент фармонлари, микрокредитлаш тизими ва ҳудудий дастурлар хотин-қизларнинг иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқаришда ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Шу билан бирга, маҳалла ва меҳнат органлари ҳамкорлигида амалга оширилган амалий чора-тадбирлар аёлларнинг меҳнат бозоридаги улушини оширишга хизмат қилди. Демак, гендер тенглиги ва хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини таъминлаш Ўзбекистонда ижтимоий барқарорлик ва демократик ислохотларнинг узвий таркибий қисми сифатида намоён бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Тадбиркор аёлларга кўмакдош // Хуррият. – 2007. – 14 феврал.
2. Мақсудова М. Смотря на женщину // Правда Востока. – 2001. – 3 апреля.
3. Абдуллаева О. Эзгу истак ишимизга эш бўлсин! // Маҳалла. – 2008. – 5 март.
4. Иванова А. Ўзбекистон хотин-қизлар ташкилотлари форуми // Тошкент оқшоми. – 2003. – 23 май.
5. Иванова А. Аёллар ташкилотлари форуми юрт ҳаётининг ижтимоий ва иқтисодий соҳаларида аёллар ролини ошириш имкониятлари муҳокама қилинди // Вечерний Ташкент. – 2006. – 23 мая.
6. Собиров Н. Биз учун устувор вазифалар // Народное слово. – 2010. – 22 октября.
7. Employment to Population Ratio, Female, 15–24 Years // CEIC Data. – 2017. – URL: <https://www.ceicdata.com>
8. Women Entrepreneurship in Uzbekistan: Analytical Report // UNDP Uzbekistan. – Тошкент, 2025. – URL: <https://www.undp.org>
9. Women-led Small Enterprises and Micro-firms in Uzbekistan // Daryo.uz. – 2025. – URL: <https://daryo.uz> International Journal of Multidisciplinary Research. – 2024. – Т. 11. – №. 05. – С. 280-283.